Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

# Ишонч

47

1993 йил 20—26 ноябрь (140)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

## ЯНГИ ТАРМОҚ ШАКЛЛАНДИ

Шу йил 18 ноябрда Ўзбекистон машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмасининг таъсис қурултойи бўлди. Қурултойни уни тайёрлаш ташкилий қўмитасининг раиси, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Р. И. Абдураззоқов очди. Қурултойнинг раёсати, котибияти, таҳрир ва мандат комиссиялари сайланди, кун тартиби ва иш регламенти белгиланди. Шу тармоқ ходимлари касаба уюшмасини ташкил этиш ҳақида ташкилий қўмита раисининг ахбороти тингланди. Қурултой Ўзбекистон машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу уюшманинг Низоми ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташкилий бўлим мудири Ж. Л. Олимхўжаева маъруза қилди. У 12 қисмдан иборат Низомнинг моҳиятини батафсил таърифлаб, унга киритиладиган айрим ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича таклифларни ҳам айтиб ўтди. Низом лойиҳаси делегатлар томонидан қизғин муҳокама этилди ҳамда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ҳолда қабул қилинди.

Мандат комиссиясининг ахбороти эшитилди. Ўз сафига 200 мингга яқин машинасозларни бирлаштирган бу тармоқ касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларидан қурултойга сайланган 210 делегат қатнашди.

Қурултойда ташкилий масалалар кўрилди. Машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмасининг Марказий Қўмитаси, тафтиш комиссияси сайланди. Тошкентдаги «Оникс» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Шавкат Қобилович Одилов Марказий Қўмита раислигига якдиллик билан сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко, республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов нутқ сўзладилар. Қурултой ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи маслаҳатчиси М. Қирғизбоев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосарлари Қ. М. Рафиқов, З. И. Қодиров қатнашдилар.

«Ишонч» мухбири.



**Ҳунар, ҳунардан унар дейдилар. Ўғилой Алихонова билан Наргиза Маҳмудоваларнинг қўлида ҳунари бор. Бу лобар қизлар «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ташкил топган қўшма корхонада бежирим кийим-кечаклар тикадилар.**

**Қўлларингиз дард кўрмасин, қизларжон!**

**Суратчи: А. МАМАДАМИНОВ.**

## Хабарлар мағзи




● **РЕСПУБЛИКАМИЗ** Президенти Ислом Каримов Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козиревни қабул қилди. Суҳбатда ўзаро ҳамкорликка доир масалалар ҳақида фикр юритилди.

● **БУЮК БРИТАНИЯ** ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллигининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Пол Берн, Нидерландлар Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Годерт Виллем Барон де Вос Ван Стейнвейк ва Тунис Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган жаноб Тнани Рида мамлакатимиз Президентига ишонч ёрлиқлари топширдилар.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британия Бош вазири жаноб Ж. Мейжорнинг таклифига биноан 22—25 ноябрь кунлари Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган Қироллигига амалий ташриф билан боради.

● **МАМЛАКАТИМИЗ** Президенти бир гуруҳ чет эллик журналистларни қабул қилди ва уларни қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоб қайтарди.

● **АЛИШЕР** Навоий номли санъат кошонасида илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган атоқли олим, академик Обид Содиқов туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

## ОРОЛБЎЙИДА ШОДИЁНАЛАР




Бу шукуҳли байрамга қорақалпоғистонликлар ёруғ юз билан келишди. Қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта шоли топшириш юзасидан мажбурият бажарилди. Давлатга 233 минг тонна тансиқ неъмат етказиб берилди. Жаҳоннинг энг шимолий зонасида пахта етиштириш билан шуғулланувчи Оролбўйи заршунослари 320 минг тонна юқори сифатли пахта топширдилар. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам қўлга киритилган ютуқлар салмоқли бўлди. Шу боис ҳам 17 ноябрь куни жаҳонда тинчлик ва нон шаҳри деб шуҳрат қозонган Тошкент шаҳри маданият кунлари иштирокчиларини кутиб олиш умумхалқ байрамига айланиб кетди.

Эрталаб соат 10 да Нукус аэропортига қўнган ҳаво лайнерида келган тошкентлик меҳмонларни қорақалпоқ халқининг асл фарзандлари нон ва туз билан илиқ кутиб олишди.

Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков раҳбарлигидаги Ўзбекистон пойтахтининг вакилларини қорақалпоқ қардошлари ўз оғушларига олишди. Шу йил январь ойида Қорақалпоғистон республикаси маданият кунлари Тошкент шаҳрида катта муваффақият билан ўтган эди. Орадан ўн ой ўтгач Нукусга ўзбек халқининг меҳнат жамоалари, тижорат қўшма корхона, маҳалла қўмиталарининг вакиллари ҳамда таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар ташриф буюришди. Улар орасида жаҳонга ном таратган М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» халқ рақс ансамбли, «Ялла» вокал-чолғу жамоаси, Қори Ёқубов номидаги ўзбек давлат филармониясининг «Зарафшон» ансамбли ва А. Қаҳҳор номидаги сатира театри бор.

Меҳмонлар дастлаб Қорақалпоғистоннинг улуғ шоири Бердақ ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Катта ва кенг йўлларнинг икки тарафи нукусликлар билан гавжум бўлиб, ўзига хос байрамона халқ сайли ва митинглар бошланиб кетди. Шундан кейин шоир номи билан юритилаётган санъат саройида Тошкент шаҳри маданият кунлари очилишига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Йўлдошев, азиз меҳмонларни чин дилдан муборакбод этиб, уларга ўз халқи номидан эсдалик совғалари топширишди.

Тантанали мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон республикаси мудофаа вазири Р. Аҳмедовлар иштирок этишди.

Маданият кунлари иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, туманлардаги жамоа хўжаликларига боришди. Улар қорақалпоқ халқининг ҳаёти ва турмуш тарзи билан танишишди, мулоқот ва учрашувларда иштирок этишди. Қорақалпоғистонликлар хонандалар О. Ҳайитова, Ғ. Ёқубов, О. Худойшукуров, Х. Саъдуллаев чиқишларини қизғин кутиб олдилар.

Маданият кунлари 20 ноябрь куни Нукусдаги халқ сайли, ўзбек ва қорақалпоқ халқининг санъат усталари иштирокидаги катта концерт билан ниҳоясига етади.

Ҳеч шубҳасиз тўрт кун давом этган бу тантаналар бир сафдаги, бир фикрдаги қардошларнинг ҳақиқий байрамига айланди. Ота-боболардан мерос абадий дўстона удумлар янги саҳифалар билан бойиди.

Абдураҳмон **ИСКАНДАРОВ**,
«Ишонч» мухбири.






СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ






## ТАНЛОВ ҒОЛИБИ — ИНСТИТУТ ТАЛАБАСИ

ТОШКЕНТ вилояти Оққўрғон туманидаги туғруқхонанинг акушер ҳамшираси Раъно Жўраева келаси йил — Тошкент тиббиёт институтларининг бирига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқига эга бўлди. У «Ҳамшира — 93» деб аталган биринчи республика танловида ғолиб чиққани туфайли бу ҳуқуқни қўлга киритди.

Танлов «Соғлом авлод учун» шиори остида ўтказилди. Уни Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ташкил этди. Танловда Ўзбекистоннинг турли вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг даволаш муассасаларидан келган 15 ҳамшира қатнашди. Ҳамширалар мусобақасига тажрибали врачлардан иборат гуруҳ ҳакамлик қилди.

Дастлабки уч ўринни эгаллаган қизларга қимматли совринлар гилам, сервиз, пул мукофотлари топширилди. Танловнинг бошқа иштирокчиларига ҳам «Ипак йўли» Ўзбек ҳиссадорлик сармоя тижорат. банки, «Тимарт» хусусий фирмаси ҳомийлигида тайёрланган эсдалик совғалари инъом этилди.

Бундан буён ана шундай танловни ҳар йили ўтказиб туришга қарор қилинди.

**ЎЗА мухбири.**

**Суратларда: юқоридан жиззахлик ҳамшира Гулсара Муратова беморга ёрдам кўрсатмоқда. Республика кўрик танлови ғолиблари (чапдан) оққўрғонлик Раъно Жўраева, хоразмлик Нигора Бобожонова ҳамда республика 1-клиник касалхонаси ҳамшираси Лобар Қосимовалар. Пастдаги суратларда мусобақа пайти ва қорақалпоғистонлик ҳамшира Бўтакўз Ермакова.**

**Алимурод МАМАДАМИНОВ олган суратлар.**

## «ИШОНЧ» СИЗГА ҲАМРОҲ

**«Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!» деган шиор билан 1991 йил Наврўзида туғилган, ҳар бир сўзни қалб амри билан адолат тарозисида ўлчаб, кейин ёзишни ўзининг олижаноб мақсади деб билган Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерациясининг ўзбек ва рус тилларида нашр қилинаётган газеталари 1994 йилдан эътиборан «А 3» шаклида саккиз саҳифада чиқадиган бўлди. Бу нашрлар бундан буён ҳам «бир соатли адолатнинг олтмиш йиллик ибодатдан афзал»лигини тарғиб қилишда давом этади. Оддий халқ қисматига қисматдош, сўровига ҳозиржавоб, маслаҳатгўй, дардига руҳан даво, қувончларига шерик бўлишда ўзининг асл дастурул-амалига содиқ қолади.**

**Газеталарнинг ранг-баранг рукнлари ичида айниқса «Қасаба уюшмаларида», «Хатлар — ҳаёт ойнаси», «Ҳилол», «Шарқ табобати», «Онажоним табиат», «Кечиккан дил изҳори», «Биздан сўрабсиз», «Адолат тарозиси», «Ойнаи жаҳонда» каби рукнлари сақлаб қолинади. Янги саҳифалар туғилади.**

**Меҳнаткаш халқ қалбида ётган муаммо ва истакларни топиб ёзсак, уларнинг меҳрига муяссар бўлсак деган ишонч ва умид бизни ҳеч қачон тарк этмаслиги учун меҳнат қилмоқдамиз ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.**

**Обуна тугашига саноқли кунлар қолди. Юрак амрига қулоқ тутинг, азизлар, адашмайсиз.**

**Сизга дўстлик қўлини чўзиб қолувчи:**
**«Ишонч», «Ишонч-Доверие» — газеталарининг таҳририяти.**

### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

***«Ишонч» газетасига обуна бўлишни истасангиз билиб қўйинг.***
***ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН — унинг йиллик обуна нархи 4164 сўм (нашр кўрсаткичи — 64560).***
***КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР УЧУН эса йиллик обуна нархи 9888 сўм (нашр кўрсаткичи — 64561).***

● Газетага 1991 йил 8 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 00068 рақамли гувоҳнома берилган.
● Офсет усулида босилди.
Формати А-3 ҳажми 2 босма табоқ.
● Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
● Буюртма Г-660 1 2 3 4 5 6

Ишонч

БОШ МУҲАРРИР
ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АҚРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Абдуманноп АЛИМБОЕВ, Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғунбой МАДИЕРОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Абдурасул РЎЗМАТОВ, Саминжон СУЛТОНОВ (вилоят муҳбири), Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Санобар ХЎЖАЕВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
● Бош муҳаррир муовини 56-52-89
● Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

● Қасаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт — 56-82-79.
● Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
● Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
● Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

● ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Андижонда — 5-32-24;
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда —2-10-02;
Жиззахда—2-31-41;
Навоийда — 3-52-99;
Намангада — 6-22-10;
Нукусда —4-19-97;
Самарқандда — 35-64-22;
Термизда —2-70-07;
Тошкентда —56-87-95;
Фарғона — 4-28-29
Урганч — 6-03-40
Қаршида —5-33-71;

● Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



Сотувда эркин нархда.

● ШАНБА кунлари чиқади.
● Босишга 19 ноябрда топширилди.
● Навбатчи масъуллар:
Турғун НАЗАРОВ,
Санъат МАҲМУДОВА.
● МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.
● 63680 нусхада босилди.
● Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.